

ДИЗАЙН СОҲАЛАРИ: САНЪАТ ВА МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИМКОНияТЛАР ВА АКТУАЛ МЕХАНИЗМЛАР

Зарипова М.А.

К.Бехзод номидаги МРДИ “Либос дизайни” кафедраси катта ўқитувчиси

Умарова З.С.

К.Бехзод номидаги МРДИ “Либос дизайни” кафедраси ўқитувчиси

Дизайн соҳалари маданият соҳаси, ҳамда ижтимоий ва иқтисодий омилларни боғлаб турувчи жамиятнинг актуал механизмлари асосида ривожланади. Бу жараёнда унинг актуаллиги жамиятнинг барча аъзоларига таъсир кўрсатиш имкониятининг кенг қамровли эканлида кўзга ташланади. Хусусан, ҳозирги глобализация даврида яшаётган жамият аъзоларининг маданияти кўп ҳолларда айнан тақлид қилиш асосида шаклланади. Бу жараёнда уларга таъсир кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар имкониятлари кун сайин ошиб бормоқда.

Айнан мана шу омил санъат ва маданият намоёндаларини халқ оммасининг маданияти ва маънавиятини юксалтириш борасидаги маъсулиятлари нечоғлик юқори эканлигини кўрсатмоқда. Мазкур жараёнда уларнинг инсонлар орасидаги мулоқотлари бўладими, кийиниш маданиятлари ёки яшаш шароитларими барча барчаси жамият аъзолари ва айниқса ёшлар учун эталон вазифасини бажаради.

Шу ўринда маданият тушунчасига таъриф берар эканмиз қуйидаги асосий жиҳатларни келтириб ўтишни жоиз топдик. Хусусан, маданият — бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуигина бўлиб қолмай, айтилган пайтда у жамият тараққиётининг даражасини ҳам ифодалайди, яъни, жамиятдаги билим, мезон ва қадриятларнинг йиғиндиси маданиятда гавдаланади.

Маданиятни ривожлантиришда системали ёндашув бир-бирига таъсир этувчи турли маданият соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини алоҳида ривожлантириб эмас, балки уларни яхлит ҳолда ривожлантиришни тақозо этади. Дизайн соҳалари ҳам айнан мана шу ёндашув асосида жамиятнинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожлантириладиган соҳалар қаторига киради. Сабаби, жамият маданий ҳаётидаги ривожланиш принциплари санъат соҳаларидаги барча йўналишларга бирдек таъсир кўрсатади.

Айнан, системали ёндашув маданиятга ўзига хос шаклда муносабат билдирган ҳолда кишилар ҳаёт фаолияти соҳаларини ҳам тушуниш имконини беради. Булардан маданият соҳалари, маданият институтлари ташкил топиб, улар аниқ

тузилмага ва аниқ вазифаларга эга буўган ҳолда ижтимоий муносабатлар тамойили, коммуникация, маданий намуналарни ташкил қилиб маданият тизимини белгилайди. Бу жараёнда меъморчилик ва ландшафт дизайни, либос ҳамда саноат дизайни каби дизайн ихтисосликлари жамият аъзоларининг ҳаётида ҳам ижтимоий ҳам маънавий камолотида ўзига хос аҳамият касб этади.

Сабаби, маданият соҳаларини ривожлантиришдаги асосий омил инсон камолоти ҳисобланади, зеро маданият - бу инсон яратган нарсалардир. Табиийки, маданиятлар ривожини инсоннинг олам билан фаол муносабати доирасида кечади ва бу муносабатлар унинг ҳаёт тарзида намоён бўлади.

Инсоният жамиятидоимий ривождабулиб, у ўзгарибтакомиллашибборади.

Турлитарихий даврларда ваҳилма-хил

маданиятларда одамлар дунёни ўзгача аниқлайдилар ва қабул қилдилар, ўзларига хос равишда тасаввурлар ва билимларини ҳосил қилдилар. Дизайн соҳалари санъат ва маданият соҳалари билан узвий боғланган ҳолда XX чини аср мобайнида ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Хусусан, маданият индивидуал ва ижтимоий ҳаёт билан узлуксиз бирликни ташкил топган ҳолда ривожланади.

Маданият доимо инсон билан ҳамбарчас боғлиқ бўлади ва у сиёша олмайдир.

Маданият доимо қадриятларнинг энг ири қазираси, тажрибалар ҳазинаси бўлиб қолади.

Инсоният авлодлари ундан фойдаланадилар ва унинг ривожига ўз хиссаларини қўшадилар.

Маълумки, жамият аъзолари маданият билан қуйидаги соҳаларда изчил муносабатда бўладилар: биринчидан, маданият таъсир этиш объекти сифатида уни ўзлаштиради; кинчидан, маданий қадриятларни ташувчи ва ифодаловчи сифатида конкрет маданий муҳитда фаолият кўрсатади; учинчидан, маданий ижодиёт субъект сифатида маданиятни ривожлантиради. Дизайнер мутахассислари ҳам жамият ҳаётида айнан инсонларнинг ижтимоий турмуш тарзлари ва маданиятларини ривожлантирувчи соҳа вакиллари сифатида қадрланиб келадилар.

Маданият ва жамият аъзоларининг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётида тутган ўрни тўғрисидаги мулоҳазаларимизга ҳулоса қилиб, шунини айтиш мумкинки, табиат стихияли қонуниятлар асосида ривожланиб борса, инсоннинг ички дунёси, ички «табиати»ни шакллантириш мақсадли, йўналтирилган асосда ташкил этилиши мумкин, бунда маданият инсониятга шундай имкониятни яратувчи муҳим воситалардан бири бўлади.

Дизайн соҳаларининг яна муҳим вазифаларидан бири бу инсонларда ижодий қобилиятни ривожлантиришга кенг имконият яратиб бериши билан аҳамиятли ҳисобланади. Хусусан, маданият фақатгина моддий ва маънавий қимматлар

йиғишдан иборат эмас балки ижодий фаолиятдир.

Шунингдек, дизайн соҳалари жамият аъзоларига табиий ва ижтимоий муносабатлар доирасида мустақил қарор қабул қилишга ва уларни онгли тарзда идрок этишига шарт-шароитлар яратади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юртимиз мустақилликни қўлга киритган илк даврлардан янги технологиялар асосида қайта ривожлантирилган дизайн соҳалари жамиятимиз аъзолари кундалик ҳаётларида зарур бўлган барча саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларида миллий менталитетимиз, маданий анъаналаримиз ўзига хосликлари асосида ёндошиб келаётганлиги билан юртимиз маданияти, саноати ва иқтисодиёти ривожидида беқиёс аҳамият касб этиб келмоқда. Бу жараён айниқса Президентимиз Ш.М.Мирзиёв томонидан шакллантирилган Республикамизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари қаторига киритилиши бу жараёндаги ривожланиш механизмлари яқин келажакда ўзининг бундан ҳам юксак натижаларини бериши ҳамда ватандошларимиз маданияти ва маърифатларини ривожлантиришда бундан серқирра фаолиятлар йўлга қўйилишида катта ўринга эга бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз иблан қурамыз. “Халқ сўзи”, 2016 йил 15 декабр.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича. /Илмий услубий рисола/. –Т.: 2017.
3. Ковешникова Н.А. Дизайн: история и теория. М., 2013.